Республика Узбекистан
Министерство высшего и среднего специального образования
Навоийский государственный педагогический институт

# Чингиз Айтматов и современность: творчество, нравственность, философия

*Международная научно-практическая конференция*

# МАТЕРИАЛЫ КОНФЕРЕНЦИИ

*26-27 апреля 2019 года*
*Навои, Узбекистан*

"ASRGA TATIGULIK KUN" ROMANIDA VARVARIZMLARNING QO'LLANISHI
Ashurova Feruza, talaba
Ilmiy rahbar - f.f.n. G.Boltayeva
Navoiy davlat pedagogika instituti, O'zbekiston Respublikasi....................147

CHINGIZ AYTMATOVNING "JAMILA" QISSASIDA "KO'NGIL" KOMPONENTLI FRAZEMALAR TAHLILI
Elomonova O'g'iloy Vakiljon qizi, talaba
Ilmiy rahbar: f.f.n. Yusubova R.N. Navoiy davlat pedagogika instituti....................148

"OQ KEMA" QISSASIDAGI SHAXS BELGI-XUSUSIYATINI ANGLATUVCHI SIFATLAR
Ibrohimova Hilola Bo`riyevna
NavDPI O`zbek tili va adabiyoti fakulteti 3-kurs talabasi
Ilmiy rahbar: f.f.n. Yusubova R.N....................150

"OQ KEMA" QISSASIDA KINETIK NOVERBAL VOSITALAR
Yusubova Umida Maxmudovna, talaba
Ilmiy rahbar:dotsent I. M. Azimov
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat O'zbek tili va adabiyoti universiteti, O'zbekiston Respublikasi....................151

CHINGIZ AYTMATOV – BETAKROR SO`Z SAN'ATKORI
Xudoyberdiyeva Malika, talaba
Ilmiy rahbar: G.Boltayeva
Navoiy davlat pedagogika instituti....................153

BADIIY ASARDA ELLIPSISNING QO'LLANILISHI
Qahramonova Sevara Baxtiyorovna, talaba
Ilmiy rahbar: f.f.n. Yusubova R.N.
Navoiy davlat pedagogika instituti....................154

CHINGIZ AYTMATOV ASARLARIDAGI BA'ZI ISMLARINING LINGVOPOETIK TAHLILI
Nurimova Diyora, talabas
Ilmiy rahbar – f.f.n. Zaripov B. P.
Navoiy davlat pedagogika instituti....................155

## СЕКЦИЯ: ИЗУЧЕНИЕ КУЛЬТУРНОГО ФЕНОМЕНА ЧИНГИЗА АЙТМАТОВА В МИРОВОМ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОСТРАНСТВЕ: ПРАКТИКА И ИННОВАЦИИ

PEDAGOGIK FIKRLAR RIVOJIDA CHINGIZ AYTMATOV ASARLARINING O'RNI
Axatova Durdona Aktamovna
Umumiy pedagogika va psixologiya kafedrasi dotsenti, p.f.n.
Navoiy davlat pedagogika instituti, O'zbekiston Respublikasi....................157

ОБ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ И ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ ЦЕЛЯХ ИЗУЧЕНИЯ БИОГРАФИИ ЧИНГИЗА АЙТМАТОВА
Муродова Дилфуза Джуракуловна, к.п.н.
Навоийский государственный педагогический институт....................158

ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ АСПЕКТ ИЗУЧЕНИЯ ТВОРЧЕСТВА Ч.АЙТМАТОВА
Доцент Саимов Саим Саидович
Навоийский государственный педагогический институт, Руспублика Узбекистан....................160

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИНГ «КУНДА» АСАРИДА ЭЗГУЛИК ВА ЁВУЗЛИК ТУҚНАШУВИ
Джалматова Замира Джаникуловна, доцент, ф.ф.н.
Жиззах давлат педагогика институти, Ўзбекистон Республикаси....................161

Жизнь и творчество Ч. Айтматова – это целый мир, целая эпоха. Задача учителей литературы - почерпнуть как можно больше духовного богатства для нашего будущего поколения. Именно поэтому была принята резолюция о предложении странам СНГ включать в программу среднего образования произведения Ч. Айтматова.

Как пишет казахский ученый С. Каскабасов в статье «Планетарный Айтматов», «опыт развития человечества показывает, что при любых катаклизмах, при любых зигзагах человеческое общество идет вперед по наступательному пути. И в этом процессе огромную роль играет стержневая ось, не поддающаяся никаким изменениям ... Чингиз Айтматов является одним из таких выдающихся деятелей, фигурой планетарного характера, чье творчество дает нравственную опору, духовное богатство миллионам людей во все времена» [4].

Из сказанного выше следует то, учителя-педагоги с большой ответственностью должны относиться к передаче айтматовского духовного завещания молодому поколению, формированию в молодежи нравственных общечеловеческих ценностей [6].


**Литература**

1. Айтматов Ч. В соавторстве с землею и водою. - Фрунзе, 1978.
2. Акматалиев А. Чингиз Айтматов: жизнь и творчество. - Бишкек, 1991.
3. Гачев Г. Чингиз Айтматов. - Фрунзе, Кыргызстан, 1982.
4. Каскабасов С. Вопросы литературы и искусства. – 2008. – № 3. – С. 38.
5. Муратов А. Преподавания кыргызской литературы: теория и практика. - Бишкек, 2013.
6. https://sibac.info/conf/pedagog/lxv/57026


## ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИНГ «КУНДА» АСАРИДА ЭЗГУЛИК ВА ЁВУЗЛИК ТУҚНАШУВИ


**Джалматова Замира Джаникуловна, доцент, ф.ф.н.**

Жиззах давлат педагогика институти

Ўзбекистон Республикаси


Табиат ва жамият фарзанди инсон ўзи яралгандан бери ҳаётида ёвузлик ва эзгуликнинг рақобатига дуч келди. Ёвузлик устун келганида жамият ҳам, инсоннинг ўзи ҳам нечоғлик азобу уқубатлар, қирғин–баротлар, адолатсизлигу зўравонликлар дардини чекди ва эзгуликка орзумандлик, адолатлик салтанатига етиш хоҳиш–истагини имон–эътиқоди билган фидойи зотларни ҳам вояга етказди. Ҳаётда эзгуликни қарор топтириш, инсоннинг инсонийлигини рўёбга чиқазиш, фақат унинг руҳиятини поклаш, Худога тавба–тазарру қилиш орқали табиатдаги ёвузлик, қабоҳатлардан фориғ қилиш мумкин, деган қанчадан – қанча ақидалар вужудга келмади, дейсиз. "Кунда"нинг қаҳрамони, художўй Авдий Калистратов Исо пайғамбар тимсолида аҳлоқий–маънавий камолотга эрушувининг ўзига хос йўлида эътиқод устун даражада кўрсатилган. Унинг бирдан–бир имон–эътиқоди христианлик ақидасига собит туриб, кишиларни инсоф ва адолатга чорлаш. Худога тавба йўли билан одамлардаги иллатларни – ёвузлик, қабоҳат, тубанликларни бартараф этиш. Муҳими, ҳаётида " ҳур фикр билан қанотланган ақлни, ўзига ёвузлик сарқитини бамисоли юқумли касалликдай буткул қуритган ва қақшатган мумтоз зотни" кўриш, унга етиш идеали наинки руҳиятини, қолаверса, турмуш тарзини ҳам бир қадар ўз измига олган. Инсонни аҳлоқий–маънавий камолотга етаклаш, инсоф ва адолатга, эътиқодни кўриш истаги гиёҳванд Гришан, унинг ҳамтовоқлари ҳам бир бор кўрсатилган. Уни гришанларнинг гиёҳлигигина эмас, балки гиёҳвандликни пулга чакиш туфайли кишиларни ёвузлик ва тубанлик сари етаклаши безовта қилди. Шунинг учун у Гришан билан тўқнашувда ўзининг адолат ва бурч туйғусида янги кишиларни қабоҳат ҳам тубанлик дардидан халос қилишга жавобгарлигини, диёнат, ҳамда раҳм–шафқатга чорлаши Худо қаршисида имон–эътиқодига собитлигидан эканлигини уқтиради, уни тавба қилишга чорлайди. Аммо, Гришан ҳам ўз тушунчасига эга: "Дунёда ҳамма нарса сотилади ва олинади... Пул – ҳамма нарса... бахт бўлмагандан кейин аччиқ оғу унинг ўрнини босади... Одам яратилгандан бери унга нималарни ваъда қилишмади... Ана, қарасанг, Худо салтанати кириб келяпти, яна қарасанг, демократия, ана тенглик, ана биродарлик, ана коллектив ҳаёт бахти, иста – ана, Коммуна, кириб яшайвер, ўзингни кўрсатиб ишласанг, ана, сенга жанат боғлари. Ҳақиқатда эса нима? Фақат қуруқ сўз! Мен кўнгли яримталарга, ғарибу ғураболар, мунгли бечораларга эрмак бераман, хаёлларини чалғитаман".

Авдий Худонинг борлигига имон келтиради, Гришан эса Худони ҳам пулга айрибош қилса бўлади, деб тушунади. Айни пайтда у тақводор, Авдийни ўз ғояси йўлида кишиларни эргаштира олиш–олмаслигини имтиҳон қилади. Натижа шу бўладики, Гришаннинг ҳамтовоқлари бу Халоскорни

чала ўлик даражасида калтаклашди, раҳм–шафқат ҳам қилишмади, уни поезддан улоқтиришди. Авдий бутун вужуди, руҳияти билан ўлим ва ҳаёт бўсағасига тушди. Авдийда инсонларни аҳлоқий–маънавий камолотга етказиш, уларда меҳр–шафқат; эзгуликни қарор топтириш ғоясининг таг илдизи Исо пайғамбар ҳаёти, имон–эътиқодида, унинг художўйилигида эканлиги тағин бир карра исбот топади. Бу Румо прокуратори Понтий Пилат билан Исо ўртасидаги мулоқотда кўринади. Понтий Пилат зўравонлик, ҳукумронлик Исо эса эзгулик, адолатга эътиқод тимсоллари тарзида намоён бўлишади. Худди Авдий ва Гришанлар ўз эътиқодлари учун курашганлари каби Понтий Пилат ва Исо ҳам ўз эътиқодлари орқали туқнашади. Агар Авдий гиёҳвандлар ўлкаси қилиб тепишаётганларида Гришан унинг тавба–таззару қилишини кутган бўлса, Понтий Пилат ҳам Исони ўлим таҳдиди билан иродасини синдиришни, тиз чўкиб, ялиниб–ёлворишни, худодан воз кечишни кутади. Авдий чала ўлик ҳолатга келиб, ўлим қаърига тушиб бораётганини ҳис этсада, бир оғиз Гришандан ёрдам сўрашни лозим топмагани каби Исо ҳам ўз эътиқодидан қайтишдан кўра ўлим афзал эканлигини ҳис этади. Исо пайғамбар тақдири билан боғлик диний афсонада зўравонлик ва ҳукмронлик эзгулик ва адолат туйғусидан устун келган бўлса, Худонинг иноятн, Исонинг ибрати сабаб инсонларни қабоҳат ва ёвузлик, гиёҳвандлик ва ароқхўрлик, зўравонлик ва раҳмсизлик каби иллатлардан аҳлоқий–маънавий йўл билан халос этишга умидвор бўлган Авдий ароқхўр Обер–Кандаловлар тўдасида ароқ ичмаганлиги, уларни ёмон йўлдан қайтишга ундагани учун калтаклашди ва ўлдиришди. Кўряпмизки, яна ёвузлик устун келди.

Гап бундагина эмас, "Кунда" романида Гришан, Обер–Кандалов, Бозорбойлар ҳам, табиат ҳам, жамият ҳам, инсонлар ҳам азоб чеккан ёвузлик, гиёҳвандлик, ароқхўрлик, зўравонлик туйғулари билан яшайди, Бундай ёвуз кишиларнинг мавжудлиги, ҳаётга, табиатга, инсоний муносабатнинг ҳар доим ҳам кемтиклиги нафақат Авдий, Бўстонлар тақдирида иччик қисматларининг устиворлигини вужудга келтирди. Балки романнинг бошида тинч–осуда яшаётган бўрилар – Акбар ва Тошчайнарлар тақдирига ҳам тажовуз етди. Улар табиатга тажовуз туфайли тинч–осойишта ҳаётидан безди, бешта боласи қамишзорга кетган ўт туфайли ўлди, тоққа қочиб бориб, топган тўртта боласини Бозорбой пуллади. Ўзларига етказилган зўравонлик туфайли Акбар ва Тошчайнар одамлардан қасд олишга ўтди: Бўстоннинг ўғилчасининг ўлимига сабабчи бўлди. Бугина эмас, адолат ва эзгуликда, меҳнатда, садоқатда яшашга интилган Бўстон ўз ўғлининг қотилига айланди. Бу даҳшат Бозорбойнинг зўравонлиги, тажовуз туфайли юз берганлиги учун ақлан уни ўлимга ҳукм қилди – отиб ўлдирди.

Романда Авдийнинг "Табиий нарсаларда адолатсизлик бўлмайди. У фақат одамлар ўртасидагина мавжуд ва одамлардан бошланади", деган фикрида катта ҳақиқат борлиги ўз исботини топади.

Чингиз Айтматов асарда гиёҳвандлик, ароқхўрлик, пулпарастлик каби иллатлар ижтимоий фалокат даражасига кўтарилганда бундан нафақат одамлар, балки табиат ва жониворлар ҳам азоб чекажаклигини, эзгулик ва адолатга эътиқод туйғусига дара кетишини чуқур психологик планда тадқиқ этади.

**Адабиётлар**

1. Айтматов Чингиз. Охирзамон нишонлари. Русчадан проф. С.Қораев тарж., Суз боши муаллифи О.Ёқубов. Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007, 390б.
2. Инсонпарвар адиб: Ч.Айтматовнинг 80 йиллиги. Маърифат. 2008. 13 декабрь.
3. С.Қораев. Ч.Айтматов - буюк ёзувчи, камтарин инсон, содиқ дўст. Тошкент: Янги аср авлоди. 2012.,352б.

## ТЕКСТ И ТЕСТОВЫЕ ЗАДАНИЯ ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК ФОРМА КОНТРОЛЯ И АНАЛИЗА КАЧЕСТВА ЗНАНИЙ

**к.п.н. Нармурадов И.Н., ст. преподаватель Саидов Б.М.**
Термезский государственный университет
Республика Узбекистан

Тестовые задания широко и эффективно используются в высших образовательных учреждениях как одна из самых основных форм контроля знаний абитуриентов при поступлении в вузы, при внутреннем и внешнем контроле знаний студентов, а по отдельным учебным дисциплинам выпускные экзамены также проходят в виде тестовых заданий. Чаще всего суть задания сводится к поиску одного правильного ответа из четырех, реже пяти. В научной и методической литературе достаточно информации о целях и задачах, содержании указанной компьютерной программы и технологии. В нашем вузе накоплен определённый опыт работы над текстом с применением различных тестовых заданий: состоящих из заданий по одной теме, по